



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 28 июнь № 25 (202) ●

Сотувда нархи эркин

Купина давлатларда электралоқа воситаларини ишлаб чиқаришда, етказиб беришда, фойдаланишда ўз андоза ва меъёрлари мавжуд. Бугунги кунда алоқа воситалари ишлаб чиқариш ва белгиланган меъёрларни жорий қилиш ҳамда фойдаланишни мувофиқлаштириш борасида халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг алоқачилари ҳам электралоқа воситаларини сертифицилаштиришни тўғри ташкил қилиш учун ўз кучларини бириштириб, бу борда умумий талаб ҳамда меъёрлар ишлаб чиқишга келишиб олдилар. МДХнинг алоқа маъмуриятлари сертификат ва стандартлаштириш борасида ишлаб чиқилган қонун-қоғдалар ягона маълумотномада жамланганини маъқуллашди. Шу кунга қадар бу маъмурий идораларнинг раҳбарлари томонидан тузилган ишчи гуруҳи икки маротаба йиғилиш ўтказиб, ушбу масалалар юзасидан амалий ишни бошладилар.

Яқинда мазкур ишчи гу-

СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

руҳининг навбатдаги тўрт кунлик йиғилиши Тошкент шаҳрида ўтказилди. Бу тadbирда Россия, Беларус, Қирғизистон, Ўзбекистон давлатларининг алоқачи мухассис ва кузатувчилари, МДХнинг алоқа соҳаси бўйича Ҳудудлараро ҳамдўстлик Ижроия қўмитаси ҳамда АҚШнинг Алоқа Федерал Комиссияси ва жаҳонга машҳур «Моторола» фирмасидан вакиллар қатнашди.

Халқаро ишчи гуруҳ йиғилишини Ўзбекистон Республи-

каси Алоқа вазири ўринбосари А. Ҳ. Жўрабоев очиб, рес-

публикамизнинг тутган ўрни хусусида тўлиқ ахборот берди.



Музокараларда Беларус республикасида С. Г. Гандыш, Қирғизистондан С. Э. Балкабеков, Россия Федерациясида Б. Е. Брагин, АҚШ Алоқа Федерал Комиссиясининг Халқаро бюроси директори Коллинз Кэтрин хоним ва ушбу Комиссиянинг катта маслаҳатчиси Томас Василевский ҳамда «Моторола» фирмасининг вакили Эркин Унгаровлар сўзга чиқишди.

Йиғилиш сўнггида МДХни-

нг алоқа соҳаси бўйича Ҳудудлараро ҳамдўстлик Ижроқўмининг бош директори ўринбосари А. С. Задов бизга электралоқа воситаларининг маълумотнома китобчаси тўғрисида куйидагиларни гапириб берди:

— Маълумотнома жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида тайёр бўлади. Йил охиригача ушбу маълумотнома нашр қилиниб, барча қизиққан томонлар ва обуначиларга етказиб берилади. Ушбу нашрда сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқий негизи, тегишли меъёрий ҳужжатлар, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш идораларининг таркибий тузилиши тўғрисидаги маълумотлар жой олади. Бир сўз билан айтганда маълумотнома барча замонавий талабларга жавоб бериб, жаҳоннинг алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи фирмалари учун ҳам муҳим қўлланма бўлади.

А. КУДИНОВ

Суратқаш Солиҳ ЗОИР

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ВОҚЕАЛАР ● ЯНГИЛИКЛАР ● ХАВАРЛАР

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23-28 июнь кунлари Америкага амалий ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь шу йилнинг 2-3 июль кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

● Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, маз-

кур қўмита раиси И.Жўрабеков бошқарди.

● Ўзбекистон журналистлар уюшмаси 1995-1996 йилларда газета-журналларда эълон қилинган ва радио-телевиденида эшиттирилган «Йилнинг энг яхши журналистик иши учун» танловига яқун ясади. Танловда бир гуруҳ ижодкорлар голиб деб топилди.

● «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ташкил этилганига 75 йил тўлди.

● Россия ва Беларус Президентлари Брестда бу икки давлат иттифоқининг олий даражадаги учрашувини ўтказдилар. Унда асосан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.

● Кишиневда Молдованинг асосий муҳолифатчи демократик кучлар партияси қурултойи бўлиб ўтди. Унда ушбу

партиянинг етакчиси Маттей шу йил охирида Молдовада бўлиб ўтадиган президент сайловларига номзод қилиб кўрсатилди.

● Гавай оролларида АҚШ, Жанубий Корея, Австралия, Канада, Чили ва Япония ҳарбий-денгиз кучлари минтақавий можоралар пайтида ўзаро ҳамкорлик кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган ҳарбий машқлар ўтказдилар.

● Хамас исломий гуруҳи Исроил Бош вазири Бенжамин Нетанияху ҳарбий ҳаракатларни тўхтатса, яхдидларга қарши ҳужумлар тўхтатилиши тақлифи билан чиқди. Газо секториде тарқатилган варақаларда Исроил сионистик террорни тўхтатса, Хамас ҳам Исроил ҳудудиде ҳарбий ҳаракатларни бас қилади, дейилган.

УЯЛИ ТЕЛЕФОН МИЖОЗЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Андижонда «Ўздунроби-та» қўшма корхонаси ёрдамида уяли радиотелефон станцияси иш бошлаганига бир ойдан кўп вақт ўтди. Жаҳон техника ва технологиялари талабларига жавоб бера оладиган замонавий алоқа жиҳозлари АҚШдан келтирилди. Вилюят марказида уни ишга тушириб, янада кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда. Шу кунгача ушбу муъжаз алоқа туридан 200 нафардан кўпроқ мижозлар

фойдаланишяпти. Бу радиотелефондан ўзингиз истаган пайтда кёракли ахборотни кўнғироқ қилиб билиб олиш мумкин.

Андижондаги бу уяли радиотелефон станцияси кучли қувватга эга бўлиб, вилюят аҳолисининг эҳтиёжига жавоб бера олади. Чунки ушбу алоқа тури билан нафақат маҳаллий ҳудудлар, балки хорижий давлатлар билан ҳам сўзлашиш имконияти мавжуд.

К. АЛИЕВ

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Тошкентда «Ўзбектелеком» ва Италиянинг «Стетинтернейшнл» концернлари ҳамкорлигида «Удинет»

номли янги қўшма корхона ташкил этилди. Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоғини яхшилаш учун мазкур корхонага 200 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ ажратилди.

